

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

БЕРДИХАНОВА ШАХИДА НУРЛЫБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ МЕТРОРИТМИК
АСОСЛАРИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
искусствоведению**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on art history**

Бердиханова Шахида Нурлыбаевна Қорақалпоқ дostonларининг метроритмик асослари.....	3
Бердиханова Шахида Нурлыбаевна Метроритмические основы каракалпакских дастанов.....	23
Berdikhanova Shakhida Nurlibaevna Metrorhythmic foundations of Karakalpak dastans.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

БЕРДИХАНОВА ШАХИДА НУРЛЫБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ МЕТРОРИТМИК
АСОСЛАРИ**

17.00.02 – Муסיқа санъати

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Sap33 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.konservatoriya.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азимова Арзу Нишановна

санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Рустамбек Самигович

санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Мурадова Зулфия Алиевна

санъатшунослик фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Sap.54.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «3» 03 куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 244-46-53; факс: (99871) 244-53-20, E-pochta: info@konservatoriya.uz

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 13 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)244-46-53. факс: (99871) 244-53-20, E-pochta: info@konservatoriya.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «18» феврал куни тарқатилди.
(2022 йил «18» февралдаги 20 - рақамли реестр баенномаси).



Т.Б.Гофурбеков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Б.Ш.Ашуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

М.А.Хамидова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациямавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон муסיқа маданиятида асрлар оша шаклланган миллий анъаналарни қайта тиклаш, авайлаб-асраш ва тарғиб этиш, улар орасида муסיқа меросини ривожлантириш муҳим омил бўлмоқда. Жаҳон илмий амалиётида дostonлар ҳозирги кунга қадар асосан тарихий, филологик, адабиётшунослик, эстетика соҳаларидаги мезонлар ва меъёрлар асосида таҳлилланган. Бунинг заминида муסיқа санъатида доир масалалар, жумладан, Марказий Осиё муסיқа маданияти, оғзаки халқ ижодининг маънавий мероси, дoston санъати, дostonчилик ижодиёти бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё муסיқа илмида миллий муסיқа меросимизни илмий, муסיқий-назарий жиҳатларини тадқиқ этиш, метроритм қонуниятларини ўрганиш, муסיқашуносликнинг долзарб масалаларидан бўлиб, бу, дoston номаларида шаклланган метр ва ритмнинг ўзаро таъсири орқали миллий муסיқа оҳангини ўзига хослигини аниқлаш заруратини келтириб чиқарди. Қорақалпоқ халқ эпик муסיқа ижодиёти, унинг этногенези, жанр-услуб, ижрочилик ва дostonларнинг муסיқий хусусиятлари кам ўрганилган жабҳалардан бири бўлганлиги сабабли, назарий муסיқашунослик соҳасида махсус илмий тадқиқот олиб борилишини тақозо этмоқда.

Юртимизда маданият, хусусан муסיқа санъатини ривожлантиришга ва эпик меросни қайта тиклашга сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Хар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади”¹. Бу эса қорақалпоқ халқи бой маънавий меросининг таянч асосини ташкил этувчи халқ оғзаки ижодиётини бирламчи манбалар асосида тадқиқ этиш, уларнинг мазмунини авлодларга аслидагидек етказиш масаласининг долзарблигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон, “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 1-ноябрдаги ПҚ-3990. Халқ сўзи. 3 ноябрь, № 228 (7156)

“Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг таниқли фольклоршунос, шарқшунос, адабиётшунос олимлари – А.Лорд, В.Жирмунский, Х.Зарифов, М.Хамраев, Х.Хамраев, К.Райхл ва бошқаларнинг тадқиқотларида эпик жанрни ўрганишда тарихий-назарий, фалсафий-эстетик, этимологик, қиёсий-типологик жабҳаларнинг умумий масалалари, шунингдек, унинг бадиий-тасвирий ва шеърини асослари ўз аксини топган².

В.Виноградов, Ф.М.Кароматли, Т.Адамбаева, Л.Копбаева, С.Хисамова, А.Азимова, Р.Абдуллаев, Б.Матякубов, П.Палуаниязов, Г.Ходжаметова, К.Курбанов³ларнинг ишларида Марказий Осиё халқлари эпосининг муסיқавий тили, ижрочилик санъати масалаларига муайян эътибор қаратилган.

Туркий тилли халқлар қўшиқларининг метроритминини ўрганишга асос солганлардан бири В.Беляевдир. В.Беляев тадқиқотининг асосий концепциясини Қадимги Юнон ва Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари ишларида баён этилган шеърнинг бўғин-ритминини ўрганиш методи ташкил

² Лорд А.Б. Сказитель. Пер. с англ. и коммент. Ю.А.Крейнера и Г.А.Левинтона. Послесл. Б.Н.Путилова. – М.: Восточная литература, 1994.– 368 с.; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974.– 727 с.; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М. ОГИЗ, 1947. — 519 с.; Хамраев М.К. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата: АНК, 1963.–213 с.; Хамраев Х.М. Уйгурские историко-героические дастаны: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Алма-Ата, 1992.–24 с.; Райхл К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. Пер.с англ.: В. Трайстер. – М.: Восточная литература, 2008.–381 с.

³ Виноградов В.С. Киргизская народная музыка. – Фрунзе, Киргизгосиздат, 1958. – 334 с.; Алпамыс (достондан парчалар). Нашрга тайёрловчилар Ф.М. Кароматли ва Т.Мирза. – Т.: Санъат, 1999. – 257 б.; Адамбаева Т. Қарақалпақ совет музыкасы тарийхынан. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – 176 с.; Копбаева Л.Я. Казахский кюй в ряду традиционных жанров музыки Средней Азии: Автореф. дисс... канд. иск. – М., 1991. – 24 с.; Хисамова С.Р. Ладовое строение каракалпакской монодии: Автореф.дисс...канд.иск. – Т., 1984. –25 с.; Азимова А.Н. Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов. – Т., 2008. –161 с.; Абдуллаев Р.С. Обрядовая музыка народов Центральной Азии: Автореф. дисс...докт-ра. иск. наук. Т.: ЯНИ, 1997. – 37 с.; Матякубов Б. Музыкальные особенности хорезмских дастанов: Автореф. дисс... канд. иск. – Т., 1996 – 23 с.; Палуаниязов П.К. История музыкальной культуры каракалпакстана (1925 – 1950): Дисс... канд.ист. наук. – Нукус, 2002.; – 156 с.; Ходжаметова Г.И. Музыкальная культура Каракалпакстана в период независимости: Дисс... канд.ист.наук. – Нукус, 2007 – 120 с.; Курбанов К.Т. Каракалпакская кобызовая традиция // Язык традиционной музыки и современное культурное пространство: материалы международной научно-практической конференции. – Алматы, 2008. – С.146-148.

этади. Турли хил этномаданиятларга мансуб халқ кўшиқларини тадқиқ этиш давомида олим томонидан илгари сурилган ҳолатлар, назарий муסיқашунослик соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Муסיқа метроритмик шаклланиш назариясининг масалаларига оид муҳим таҳлилий кузатувлар В.Гошовский, В.Елатов, В.Васина-Гроссман, О.Бочкарева, Н.Тифтикиди, Т.Соломонова, В.Холопова, М.Харлап, И.Земцовский, А.Байгаскина, А.Назаров, Р.Султанова, Ш.Гуллыев, С.Ильина, Е.Смирнова ва бошқалар⁴нинг илмий тадқиқот ишларида баён этилган.

Қорақалпоқ фольклоршуносларида К.Айымбетов, Н.Дәўқараев, И.Сагитов, Қ.Мақсетов⁵ларнинг фундаментал тадқиқотларида ёритилган қорақалпоқ эпик меросини ўрганиш бўйича тадқиқотлар диссертация учун алоҳида аҳамиятлидир.

Қорақалпоқ фольклоршунос олими Н.Дәўқараев⁶ ўз тадқиқотида қорақалпоқ оғзаки халқ ижоди жанрлари, жумладан, қорақалпоқ дostonчилик санъатининг тарихий шаклланиш жараёнлари, қорақалпоқ дostonларининг мазмун-моҳияти айнан ҳаётий воқеликка асосланиши хусусида маълумотлар баён этган.

Қ.Мақсетов⁷нинг “Қарақалпоқ қэхарманлық дэстанларының поэтикасы” номли тадқиқотида қорақалпоқ дostonларининг поэтик ва шеърый тузилиши, адабий мазмуни, дostonлардаги шеърый сатрлар ҳамда бахши ва жировларнинг ижро талқини, муסיқа билан узвий боғлиқлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилганлигини кўрамиз.

Б.Матякубов⁸нинг “Музыкальные особенности хорезмских дастанов” номли диссертациясида Хоразм дostonларининг муסיқий асослари, муסיқий эпос анъаналари, Хоразм дoston номаларида сўз ва муסיқа

⁴Беляев В. О музыкальном фольклоре и древней письменности. – М.: Советский композитор. 1971– 233 с.; Гошовский В.Л. У истоков народной музыки славян. – М.: Советский композитор, 1971. – 316 с.; Васина-Гроссман В.А. Музыка и поэтическое слово. Вып.1. Ритмика. – М.: Музыка, 1972. –149 с.; Бочкарева О. О ритмике узбекской народной инструментальной музыки // Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. – М.: Музыка, 1972. – 276-296 с.; Тифтикиди Н.Ф. Система ритма и темпа домбровой музыки Западного Казахстана: Автореф. дисс... канд.иск.наук. – Л., 1977. – 18 с.; Соломонова Т.Е. Вопросы ритма в узбекском песенном наследии. – Т.: Фан, 1978– 68 с.; Холопова В.Н. Музыкальный ритм. – М.: Музыка, 1980.– 70 с.; Харлап М. Ритм и метр в музыке устной традиции. – М.: Музыка, 1986. – 102 с.; Земцовский И. По следам веснянки из фортепианного концерта П.Чайковского. – Л.: Музыка, 1987. – 126 с.; Байгаскина А.Е. Ритмика казахской традиционной песни. – Алма-ата: АГК, 1991.– 202 с.; Назаров А.Ф. Форобий ва Ибн Сино муסיқий ритмика хусусида (мумтоз ийқоъ назарияси). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. – 131 с.; Султанова Р. Ритмика вокальных частей Шашмакома. – Т.: ЯНИ, 1998. – 124 с.; Гуллыев Ш.Г. Туркменская музыка (наследие). – Алматы.: Фонд Сорос – Казахстан, 2003. – 208 с.; Ильина С.В. Ритмические основы традиционного песенного творчества волжских татар и чувашей: к проблеме формульности: Дисс...канд.иск. – Чебоксары, 2004. – 154 с.; Смирнова Е.М. Ритмический строй музыкально-поэтического фольклора татар-мусульман волго-уралья: Автореф.дисс...д-ра иск. – СПб, 2010.– 52 с.

⁵ Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақсан, 1988. – 492 с.; Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – 220 с.; Сагитов И.Т. Қарақалпақский героический эпос. – Т.: Изд-во АНУз, 1962. – 107 с.; Мақсетов Қ.М. Қарақалпақ қэхарманлық дэстанларының поэтикасы. – Т.: Илим, 1965.– 300 с.

⁶ Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – 220 с.

⁷ Мақсетов Қ.М. Қарақалпақ қэхарманлық дэстанларының поэтикасы. – Т.: Илим, 1965. – 300 с.

⁸ Матякубов Б. Музыкальные особенности хорезмских дастанов: Автореф. дисс... канд. иск. – Т., 1996 – 23 с.

мутаносиблиги, лад, метроритм, мусиқий шакл тузилиши масалалари батафсил ёритилган.

А.Азимова⁹ Шарқ анъанавий мусиқасида синтаксис қонуниятлари, мусиқий тил хусусиятлари ва ўзига хослик тамойилларини ўзбек, қорақалпоқ ва уйғур халқлари мусиқаси асосида қиёсий-типологик тадқиқ этган. Бу маълумотлар мазкур тадқиқотимиз учун алоҳида аҳамиятлидир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий ўзбек мусиқашунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дostonчилик ижодиётидаги метроритмик шаклланиш қонуниятларини аниқлаш, унинг қаҳрамонлик ва лирик тармоқларидаги ўзига хослигини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ эпик меросининг ижро анъаналари хусусиятларини очиб бериш;

қаҳрамонлик ва лирик дostonлардаги шеърӣ ҳамда мусиқӣ метроритмларнинг ўзаро муносабати, ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш;

қаҳрамонлик ва лирик дostonларнинг мусиқӣ тили метрик уюшмасининг асосӣ усулларини ажратиб кўрсатиш;

қаҳрамонлик ва лирик дostonлар номаларидаги ритм шаклланиши типологиясини аниқлаш;

қаҳрамонлик ва лирик дostonлар номаларининг композицион уюшмасида метр ва ритм функцияси хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти қаҳрамонлик ва лирик дostonлар орқали намоён бўлувчи қорақалпоқ халқ эпик ижодидир.

Тадқиқотнинг предмети қорақалпоқ қаҳрамонлик ва лирик дostonларнинг метроритмик асосларининг акс этиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун тизимли-таҳлилий, назарӣ-тарихӣ, қиёсий-типологик илмӣ усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмӣ янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ дostonлари жирова, бахсы (бахши) ижрочилик мактабларига таяниши аниқланиб, ижро услубларига кўра метроритмнинг дostonчилик ижро амалиёти ва дoston номаларидаги воқеани ижрода ифода этиш семантикаси, ёпиқ ва очиқ овознинг колористик хусусиятлари асосланган;

қаҳрамонлик ва лирик дoston номаларида метрнинг қатъӣ, ўзгарувчан, модуляцияланувчи ва ритмнинг речитативли, таянч, ўзгарувчан (трансформацияланувчи) типологик тамойиллари мавжудлиги исботланган;

⁹Азимова А.Н. Традиционный музыкальный язык узбекского, каракалпакского и уйгурского народов. – Т., 2008. –161 с.

музикий баённинг речитатив ва оҳангдор-қўшиқсимон тоифаларини аниқлаш имконини берувчи дoston оҳанглари таркибидаги бахши ва жирова ижро талқинларининг таъсири дoston номаларининг музикий шакл тузилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши далилланган;

дostonлар музикий тилининг интонацион базасини ташкил этувчи ритм-формулалар ва ритмсатрларнинг қаҳрамонлик ва лирик дostonларга оид бўлган бўғин-ритм меъёрларига таянувчи экспозицион, ритмик ҳиссани жамловчи чўзимли комбинацияларидан шаклланган каденцион хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳажман катта материалларни таҳлил қилиш асосида қорақалпоқ қаҳрамонлик ва лирик дoston номалари метроритмик шаклланишининг спецификаси аниқланган;

қаҳрамонлик ва лирик дoston оҳангларидаги метр ва ритм функциялари қиёсий-типологик жабҳада кўриб чиқилиши натижасида қорақалпоқ музикий тилининг назарий асослари очиб берилган;

тадқиқот материаллари ва хулосалари олий ўқув юртларида, ўрта махсус ва умумтаълим мактабларда қорақалпоқ миллий музикасини ўрганишда, шунингдек, “Қорақалпоғистон музика маданияти тарихи”, “Шарқ мамлакатлари анъанавий музика маданияти”, “Этномузикашунослик”, “Музика назарияси”, “Монодия назарияси”, “Ўзбекистон музика маданияти тарихи” каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қорақалпоқ эпоси хусусидаги маълумотларни ўзида жамлаган манбалар базасининг ишончлилиги, хулосаларнинг асослилиги, муаллиф томонидан ноталаштирилган дoston намуналарининг илмий доирага киритилиши, шунингдек, замонавий музикашуносликнинг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умуман оғзаки анъанадаги касбий музика, хусусан, қорақалпоқ халқининг эпик меросидаги метроритмнинг типологик ва ўзига хос хусусиятларини ажратиш билан боғлиқ долзарб муаммолар ечимига қаратилган бўлиб, мазкур тадқиқот келажакда туркий халқлар музикасининг назарий асосларини ўрганишда, туркий музика маданиятларининг универсал ва специфик воқеликларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишда жиддий кўмак бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация тадқиқоти мазкур масалани ўрганишда композитор ва музикашунослар учун янгича ёндашув ва ғояларни ишлаб чиқишда манба бўлиб хизмат қилиши ва шу билан бирга тадқиқотнинг илмий хулосалари ва

натижаларига асосланган ҳолда келажакда Ўзбекистон дoston ижодиётини ундаги метроритм нуқтаи назаридан тарғиб этиш бўйича олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги муассасалар учун ўқув қўлланма ва маърузалар матнини назарий хулосалар билан такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ дostonларининг метроритмик асосларини ўрганишдан олинган илмий натижалар асосида:

қахрамонлик ва лирик дoston номаларида метрнинг қатъий, ўзгарувчан, модуляцияланувчи ва ритмнинг речитативли, таянч, ўзгарувчан (трансформацияланувчи) типологик тамойиллари мавжудлиги Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти Нукус филиалининг ўқув-методик режасига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 29 апрельдаги 03/860-сон маълумотномаси). Натижада талабалар қорақалпоқ ҳалқ эпик меросининг назарий асослари билан танишиш ва мазкур соҳадаги билимларини кенгайтиришга эга бўлган;

дostonлар муסיқий тилининг интонацион базасини ташкил этувчи ритм-формулалар ва ритм-сатрларнинг қахрамонлик ва лирик дostonларга оид бўлган бўғин-ритм меъёрларига таянувчи экспозицион, ритмик ҳиссани жамловчи чўзимли комбинацияларидан шаклланган каденцион ритмик формулалар хусусиятларидан Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг “Муסיқашунослар билан учрашув” тадбири доирасида ўтказилган йиғилишда фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2021 йил 27 апрелдаги 01-04/53-90-сон маълумотномаси). Мазкур учрашув давомида тадбир иштирокчилари ижро этилган дostonларнинг архив ёзувлари билан танишиш ва қорақалпоқ дostonлари метроритмик шаклланишининг универсал ва ўзига хос тамойиллари ҳақида тасаввурга эга бўлганлар;

муסיқий баённинг речитатив ва оҳангдор-қўшиқсимон тоифаларини аниқлаш имконини берувчи дoston оҳанглари таркибидаги шеърий қонуниятлар ва ижро талқинларининг таъсири дoston номаларининг муסיқий шакл тузилишида ҳал қилувчи аҳамиятидан “Ўзбекистон 24” телеканалининг “Махсус репортаж” телекўрсатуви сценарийсида фойдаланилган (“Ўзбекистон 24 телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 24 мартдаги 02-09-183-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ эпик меросини ўрганиш муаммосини кенг ёритиш ва мазкур санъат турини самарали тарғиб этишга хизмат қилган;

қорақалпоқ дostonлари жиров, бахсы (бахши) ижрочилик мактабларига таяниши, ижро услубларига кўра метроритмнинг дostonчилик ижро амалиёти ва дoston номаларидаги воқеани ижрода ифода этиш семантикаси, ёпиқ ва очиқ овознинг колористик хусусиятлари Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” 103.3 радиоканалининг “Яхши кайфият” туркум эшиттириш сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон

телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 09/R-9-54-21-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг бадий савиясини юксалтиришда, қорақалпоқ дostonчилик санъатининг ўрни ва аҳамияти борасидаги маълумотларни олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (3 та республика ва 3 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг замонавий санъатшунослик ривожидagi долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг тузилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертацияда илк бор дostonларни қиёсий-типологик жихатдан ўрганиш асосида қорақалпоқ эпик меросининг метроритмик асослари тадқиқ этилди, қаҳрамонлик ва лирик дostonлар оҳангларидаги метр ва ритм шаклланиши спецификаси ажратиб кўрсатилган. Тадқиқотнинг асосий жабҳалари ишнинг учта бобида ўз аксини топган.

“Қорақалпоқ эпосини тадқиқ этишнинг умумий муаммолари” номли биринчи боб уч фаслдан иборат.

“Қорақалпоқ эпосини ўрганишнинг назарий масалалари” (§1.1) номли биринчи фаслда қорақалпоқ эпосини ўрганишга доир умумназарий муаммолар, унинг даврлаштирилиши ва таснифоти кўриб чиқилади.

Қорақалпоқ халқ маданияти ўтган аср бошларида тадқиқ этилганда кўплаб Марказий Осиё давлатларида бўлгани каби рус фольклоршунослар-филолог олимларининг роли улкан бўлди, улар томонидан қорақалпоқ дostonлари, ривоятлари, мақоллари, панд-насихатлари ва ҳ.к.ни тўплаш ҳамда нашр этиш бўйича катта ишлар амалга оширилган эди. XX асрнинг 20-йилларига қадар дostonларнинг бир нечта вариантлари тўпланиб, чоп этилди. Бу борада эпик меросни тўплаш ва нашр этишга асос солган

А.Диваев ва И.Беляев каби олимларнинг номларини алоҳида эътироф этиш лозим.

XX асрнинг 50-йилларига қадар алоҳида дostonлар ёзиб олинган бўлса, кейинчалик дostonларнинг вариантларини ҳам тўплаш бошланди¹⁰. 1959 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ филиали очилиши муносабати билан Тарих, тил ва адабиёт институти ташкил этилди. Мазкур институт ҳузурида фольклор сектори иш бошлаб, у қорақалпоқ фольклорини тизимли ўрганиш ва тўплашга асос солди.

Фольклорнинг тўпланган намуналари асосида қорақалпоқ олимларининг халқ оғзаки ижоди, хусусан, эпик меросни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлари пайдо бўлди. Бу аввало, Қ.Мақсетов, Қ.Айымбетов, Н.Дўқараев, И.Сағитов ва бошқа кўплаб олимлар ишлари бўлиб, унда даврлаштириш ва таснифот масалалари муайян даражада ёритилиб, қорақалпоқ эпосининг хусусиятлари очиқ берилди.

“Дostonларнинг шеърӣ асослари хусусида” (§1.2) номли иккинчи фаслда қорақалпоқ эпосининг спецификаси умумтуркий эпик мероснинг шеърӣ асосларига аниқлик киритишга доир ҳал қилувчи муаммоларни ёритиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Туркий қаҳрамонлик эпосининг композицион тузилиши ўзуликсиз “занжирли” шаклга таяниб, унда сатрлар сони сюжетга қараб вариацияланиши мумкин. Шу каби шеър шакли қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик эпосида ҳам кузатилади. Лирик дostonлар композициясининг шеър тузилиши хусусида шуни айтиш лозимки, уларга қофиялилиқ хосдир. Лирик дostonлардаги бандлар тузилиши ғазал (иккилик) ва рубоӣ (тўртлик)га таянади. Қаҳрамонлик шеърӣ сатрларидан фарқли ўларок, лирик дostonлар сатрлари аниқ белгиланган конструкцияга эга бўлиб, у 7-8 ва 11 бўғинли сатрлар билан тавсифланади.

“Қорақалпоқ дostonларининг мусиқӣ хусусиятлари” (§1.3) номли учинчи фасл қорақалпоқ эпосининг ижро спецификаси тавсифига бағишланади, шунингдек, мусиқӣ материални ёзиб олиш ва ноталаштириш муаммолари ҳам кўриб чиқилади.

Бахши ва жировларнинг ижрочилиқ санъати қорақалпоқлар ижодӣ фаолиятининг етакчи йўналиши бўлиб, у қорақалпоқ эпоси мусиқӣ тилининг хусусиятларини мадҳ этади. *Бахшилар* асосан лирик мазмундаги, *жировлар* эса қаҳрамонлик дostonларини ижро этадилар. Бахшиларнинг мусиқӣ чолғуси дотор бўлса, жировларники – кўбиздир. Бу аснода қорақалпоқ эпосининг специфик хусусияти – унда қаҳрамонлик дostonларининг устунлик қилишидир.

Маълумки, жиров санъати қадим замонлардан Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари орасида ҳам жорий бўлган эди. Жиров ижрочилиқ анъаналарининг туркий халқлар орасида оммалашганлиги хусусида XIX асрда машҳур олимлар Н.Ильинский, В.Радлов, И.Буданов, Ч.Валихановлар

¹⁰Бу хусусида қаранг: Очерки по истории каракалпакского фольклора. Т., Фан, 1977.– С.12-13

ёзган эдилар. Улар ўз тадқиқотларида “жиров (жырау)” (“достон айтувчи”, “бахши”) сўзи “жыр (жир)” (“эпос”, “эпик поэма”) сўзидан олингани, “жырлау” сўзи эса “қўбиз жўрлигида эпик поэмани ижро этиш”ни англатганлигини ишончли тарзда исботлаганлар.

Қўбиз – туркий халқлар мусиқий анъаналарида жорий бўлган энг қадимий чолғу. Бу чолғунинг келиб чиқиши хусусида жировлар достонларида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб, уларда чолғунинг яратувчиси Қўркут ҳисобланади. Қўбизнинг қадимий келиб чиқиш илдизлари хусусида Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам маълумотлар келтирилади. Қўбиз чалаётган одам луғатда “қўбузлуғ” (қўбизли) деб номланган. Бу шубҳасиз, ижрочилик санъати мазкур турининг қадимий илдизлари туркий мамлакатларда келиб чиққанини исботлайди¹¹.

Жиров ижрочилик услубининг хусусиятлари “томоқ билан” (ички ёпиқ овоз билан) куйлаш бўлиб, у қўбиз жўрлигида тингловчини мафтун қилувчи ғаройиб муҳит яратади.

Қорақалпоқ эпик ижоди ривожланишининг иккинчи даври лирик достонларнинг пайдо бўлишига уланиб кетади. Қорақалпоқ эпоси лирик тармоғининг асосий фарқ қилувчи хусусияти – унинг интерпретация усулидадир. Қорақалпоқ фольклорининг тадқиқотчилари – Н.Дэўқараев, И.Сагитов, К.Айымбетовларнинг таъкидлашларича, бахшилар ижоди XVIII-XIX асрлар мобайнида юзага келди ва фаол тарзда ривожлана бошлади. Бахши анъаналари учун очиқ овоз билан куйлаш хосдир. Унда овоз имкониятларини намойиш этиш учун кўпроқ шароит мавжудки, бу дутор жўрлигида ижро этилувчи айтимлар диапазонини сезиларли равишда кенгайтиради.

Достонлар ижросининг икки турли анъаналари амалиёти қорақалпоқ эпик меросининг муҳим хусусиятларидан биридир. “Архаик” ва “замонавий” каби икки турли ижрочилик анъаналарининг ҳаракати ва ўзаро таъсири қорақалпоқ мусиқа маданияти бойлигини белгилаб берувчи энг муҳим омилдир.

“Мусиқий ритми ўрганиш масалалари”да (§1.4) – мусиқий ритми ўрганиш муаммолари ёритилган. XX аср – XXI аср бошлари анъанавий маданиятларнинг турли жанрларида ритм спецификасини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотларнинг юзага келиши билан эътироф этилади: белорусларда – В.Елатов; қозоқларда – Н.Тифтикиди, А.Байгаскина; ўзбекларда – Т.Соломонова, А.Назаров, Р.Султанова; туркманларда – В.Беляев, Ш.Гуллыев; уйғурларда – Т.Алибакиева; молдованларда – П.Стоянов; арманларда – К.Джагацпанян; озарбайжонларда – Р.Захрабов, Х.Халиқ-задэ; чувашларда – М.Кондратьев; татар-чувашларда – С.Ильина; Волга-Уралнинг татар-мусулмонларида – Е.Смирнова; тожикларда – А.Галиахметова ва б.

¹¹ Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ.Абдурахмонов, С.Муталибов иштироки ва таҳрири. Т.: Фан, 1967.– С.368

Муסיкий ритм муаммоларини ёритувчи аксарият ишлар XIX асрдан XX асргача бўлган даврда яратилиб, улар асосан европача такт тизимига таянади. Ритм турли хил талқин этилди. У тор маънода такт доирасидаги ритм унсурларининг ўзаро муносабати сифатида таърифланса, кенг маънода – шаклнинг бирмунча йирик қисмларини ўзаро мувофиқлаштирувчи унсурлар гуруҳининг муносабати бўлиб, унда ритм билан бир қаторда муסיкий композициянинг метр томони ҳам ҳисобга олинади. Юқорида келтирилган ритм хусусидаги тушунчалар асосида тадқиқотчилар ишларида ритмга турлича таъриф берувчи бир қатор тушунчалар пайдо бўлади. Ритмга В.Холопова томонидан бирмунча тўлиқ тавсиф берилган: “Ритм – бу мелодика, гармония, фактура, мавзуйлик ва муסיкий тилнинг бошқа барча унсурларининг муваққат ва урғули томонидир”¹².

Иккинчи боб “**Қаҳрамонлик дostonларининг метроритмик асоси**” деб номланган бўлиб, тўрт фаслни ўз ичига қамраб олган.

“**Қаҳрамонлик дoston номаларининг метрик асослари**”да (§2.1) қаҳрамонлик дostonлари метрик уюшмасининг муҳим хусусиятлари тадқиқ этилади. Таъкидлаш жоизки, қаҳрамонлик дostonлари номаларининг метрик структураси бевосита шеърий мазмун, шеър структураси каби бир қатор омилларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Қорақалпоқ дostonларининг ҳам вокал, ҳам чолғу қисмлари метрик уюшмасини таҳлил қилиш давомида номаларнинг метрик беагида асосий тенденциялар аниқланиб, улар шартли равишда 3 та гуруҳга бўлинди:

- қатъий;
- ўзгарувчан;
- модуляцияланувчи;

Метрнинг *қатъий* тоифасида, унда композициянинг бошидан охирига қадар ягона бошланғич ўлчов устунлик қилади. Таҳлил қилинган 103 та номадан 8 таси шу тоифага мансуб. 8 та номанинг 5 таси 2/4 ўлчовига асосланади; 2 та нома – 3/8 ва 1 таси – 6/8 ўлчовида. Қатъий метрик структураларнинг чекланганлиги биринчи навбатда, жирова ижодий анъаналарининг архаиклиги билан белгиланадики, уларга ҳар қандай кўринишда, жумладан, метроритмик структураларда ҳам вариантлик хосдир.

Ўзгарувчан тоифа. Қаҳрамонлик дostonлари номаларининг метрик ўзгарувчанлиги аввало қатъий давриявийликнинг бузилиши билан, айнан эса номанинг чолғу ва вокал қисмлари ўртасида турли даражада намоён бўлувчи метрик контраст билан ифодаланиб, бунга метрик урғулаш усуллари орқали эришилади: секинлаштириш, чўзимдорликни тезлаштириш, кенгайтириш ё бўлмаса қисқартириш орқали.

Таҳлил давомида маълум бўлдики, сатрларнинг бошланғич қисмларида метр ўзгарувчанлигининг ҳукмронлик қилиши уларда 8 ли мураккаб ритм сатр (РС)¹³ турларининг “носимметриклиги” намоён бўлиши билан боғлиқ

¹² Холопова В.Н. Музыкальный ритм. М., Музыка, 1980.-С.3.

¹³Ритм сатр (РС) – шеърий сатрнинг метроритмик ифодаси.

бўлиб, унинг спецификаси 5+3 ҳиссали бўғинли ритмик ўзаро муносабат орқали ифодаланган.

“Модуляция” ўлчовли тури номанинг бир метрда бошланиб, асарнинг тугашида бошқа метрик услубга ўтиши билан характерланиб, мазкур вариант “иккиламчи” ёки “янги” деб номланган метрик ўзгаришларда бошланганлиги билан тавсифланади¹⁴. 103 номадан 8 таси модуляция ритм турига тегишлидир. Куйнинг боши ва охири ўртасидаги метрик фарқ билан уларнинг ички метрик тузилиши ҳам қатъий, ҳам ўзгарувчан метрик тузилишга асосланиши мумкин.

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлиллар давомида номалар метрик уюшмасининг куйидаги тоифалари аниқланди:

- 1) қатъий – 103 номадан 8 тасида кузатилади;
- 2) ўзгарувчан – 103 номадан 87 тасида кузатилади;
- 3) модуляцияланувчи – 103 номадан 8 тасида кузатилади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими “**Номаларнинг метр уюшмасида речитативнинг роли**” (§2.2) дея номланиб, у жировлар ижоди учун хос бўлган шеърнинг речитатив¹⁵ кўринишидаги специфик мусиқий баён усуллари билан бирига бағишланган. Речитатив бутун номанинг метр структурасини тушуниш имконини беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича¹⁶, мусиқанинг сўзга бўйсунганининг бундай усули халқ кўшиқчилиги ижоди номалари асосида ётади, унда сўз ҳукмронлик ролини бажаради.

“**Қаҳрамонлик дoston номаларининг ритмик тузилиши**” да (§2.3) қаҳрамонлик дostonлари номаларининг ритмик структураси кўриб чиқилади.

Номалардаги асосий мусиқий-ритмик шакл – бу ритм сатр (РС) бўлиб, у чўзимдорлиги билан бир шеър сатрга мос келади. Ўз навбатида, РС ритм-формулар (РФ) структураларининг муайян мажмуасидан тузилади¹⁷.

Таъкидлаш лозимки, қаҳрамонлик дostonлари номаларидаги ритм сатр *дона-дона нутққа* яқинлаштирилгани билан тавсифланади, бунда ҳали ритмик формулар билан, чекланган лад-оҳанг таркиби орқали тақдим этилмаган. Мазкур ҳолат аввало, жировларнинг томоқни қириб куйлаш тарзи ва жанр хусусиятлари билан изоҳланади.

¹⁴В.Н.Холопова, композицияни метрик ташкил этишнинг ушбу кўринишига “метрик модуляция” таърифни берган. Батафсил қаранг.: Холопова В.Н. Музыкальный ритм. – М.: Музыка, 1980. – С.69

¹⁵ Речитатив (итальянча recitare – декламация қилиш; лотинча recito – овоз чиқариб ўқийман) – вокал мусиқасининг оҳангдор декламацияга яқин тури. Речитатив ифодали, эмоционал жиҳатдан рангдор нутқ оҳанглари, овознинг кўтарилиши ва пасайишига, ургуларга, паузалар ва ҳ.к.га асосланади. Речитатив куй тугал мусиқий шакли ҳосил қилмайди ва сезиларли даражада матннинг синтаксис бўлинишига бўйсунди. (Словарь музыкальных терминов. 2012. Электрон ресурс: <http://slovar.cc>)

¹⁶ Васина-Гроссман В. Музыка и поэтическое слово. I т. – М: Музыка, 1972. – С.57

¹⁷Ритм-формула (РФ) деганда, мазкур ишда “нисбатан яхлит ритм шаклланиши тушунилади. Унда чўзимларнинг ўзаро муносабати билан бир қаторда, албатта ургулаш ҳам ҳисобга олинади ва у сабаб ритм структурасининг интонацион характери тўлиқроқ намоён бўлади. Ритмик чизмадан фаркли равишда, ... атрофдаги ҳосилалардан тўсилган ва нисбатан қисқа ритм-формула, ўз мустақиллиги билан мотивга яқинлашади. Умуман ритм-формулар мусиқада муҳим услубий ва жанрли кўрсаткичлари билан, миллий қирраларни ёрқин ифодаловчилари билан келади”. Қаранг: Холопова В.Н. Музыкальный ритм. М.: Музыка, 1980. – С.70

Номалар шаклланишининг илк тамойиллари сифатида оғзаки ижодиётга хос бўлган такрорийлик ва даврийликни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, номалар композицион уюшмасининг специфик тамойилларидан бири деб жировларнинг РСнинг речитатив тоифаларига мурожаатини айтиш мумкин. Ушбу номалар РС уюшмасининг икки усули билан фарқланади: муайян метрик структурага таянувчи ва аниқ белгиланган метрик меъёрларнинг йўқлиги билан. РСнинг бундай тоифаларини биз Қияс жиров Қайратдинов ижросидаги “Алпамыс” номалари ва Жумабай жиров Базаров ижросидаги “Шәрияр” достони номаларида кузатамиз¹⁹.

РС метроритмик ривожланиши ва умуман нома композицияларининг асосий усулларидан бири -уларда хангларнинг мавжудлигидир.

Ханглар *ички бўгинли* ва *ташқи бўгинли* турларга бўлинади. Ички бўгинли хангларга нисбатан олимлар тадқиқотларида “бўгинли нота”, “бўгинли ритм”, ташқи бўгинлиларга нисбатан эса “ундов сўзлар” деган атамалар қўлланилади.

Ички бўгинли ханглар илк бор намоён бўлганда битта бўгиннинг бир ёки икки товуш орқали ритмик чўзилиши билан тавсифланган. Улар номаларнинг тузилишида тобора муайян аҳамият касб этган.

Қаҳрамонлик дoston номалари архитектуроникасида *матндан ташқари* хангларнинг қўлланилиши жиров ижрочилик анъаналари хусусиятларига боғлиқ муайян концепцияга таянади. Улар номаларнинг муқаддима, шунингдек, умумий каденцион бўлимларида ўз ўрнига эга бўлиб, боз устига уларнинг сатрларнинг якуний қисмида тез-тез қўлланилиши кузатилади. Қаҳрамонлик дoston номалари орасида матндан ташқари сўзларга асосланган ханглар қоидага кўра махсус қўйилган бўгинлар ва сўзларга эга: “ҳай яр эй”, “бирибар”, “яр”, “эй” каби. Ханглар чўзимдорлиги аввало, ижрочи нафасига боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи боби -“**Лирик дostonларнинг метроритмик асоси**” уч фаслдан иборат.

“**Лирик дoston номаларининг метрик асослари**” (§3.1) номли мазкур бобнинг биринчи фасли лирик дoston номаларининг метрик структураси хусусиятларини ёритади. Лирик дoston номаларида метрнинг роли ва ундан фойдаланиш усули ўзгача функционал аҳамият касб этади.

Қиёсий таҳлил давомида маълум бўлдики, қаҳрамонлик дostonларига нисбатан лирик дoston номаларида метрнинг *қатъий тоифаси* ҳукмронлик позициясини эгаллай бошлайди, бунга уларнинг сони ҳам ишора қилади: 76 та айтимдан 55 таси метрик уюшманинг қатъий тоифасига эга.

Анъанавий мусиқий ижрочилик амалиёти кўрсатганидек, метрик икки ҳиссалик “таянч” ўлчов сифатида келади. Агар қаҳрамонлик дostonлар

¹⁹ Мазкур вазиятда қиёсий таҳлил учун нота материали ва муаллиф томонидан ноталаштирилган дoston ёзувларининг мавжудлиги сабаб, айнан юқорида номлари келтирилган дoston ижрочилари репертуарига таяндик.

номаларида қатъий метрлар таркибида $2/4$, $3/8$ ва $6/8$ ўлчовлари устунлик қилса, лирик дostonлар номаларда эса асосий ўлчовлар билан бир қаторда $3/4$ ва $5/8$ ҳам кенг тарқалди. Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, $3/4$ ва $5/8$ ($2/8+3/8$; $3/8+2/8$) ўлчовлари қахрамонлик дoston номаларида бирмунча кам қўлланилган. Улар номаларнинг муайян бўлимларини ажратиб кўрсатган ҳолда кўпроқ шакллантирувчи ролни бажарган ва метрик “бузилиш” кўринишида қабул қилинган. Мазкур ҳолат метрик тадрижиётга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади: жировлар ижодида бундай ўлчовлар эпизодик тарзда қўлланилган, кейинроқ эса барқарорлик касб этиб, таянчлар қаторида қўлланила бошланган.

Ўзгарувчан метрлар ўз аҳамиятини қисман сақлаб қолади, аммо уларнинг қўлланилиш усули қахрамонлик дostonларидан сезиларли равишда фарқ қилади. Бу ерда даврий ўзгарувчанлик муҳим аҳамият касб эта бошлайди (ДЎ). 76 та номадан фақат 15 таси метрик уюшманинг ДЎ тоифасига таянади, бу эса лирик дoston номаларида метрнинг қатъий тоифаси ҳукмронлик қилишини яна бир бор таъкидлайди.

Метрнинг модуляцияланувчи тоифаси 6 та нома структурасида кузатилади. Номаларнинг ички структурасида метр беқарорлиги ҳукмронлик қилган қахрамонлик дoston номаларидан фарқли ўларок, мазкур вазиятда метр модуляцияси янги метрга ўтиш аста-секинлик билан амалган оширилган ва унда мустаҳкамланган тенденцияга таянади, яъни метрик структура берилган иккита ўлчов доирасида таъминланади: “бошланғич” ва “модуляцияланувчи”.

“Лирик дoston номаларининг ритмик тузилиши” (§3.2) лирик дoston номаларидаги ритм типологиясига бағишланади. Муסיқий қонуниятларнинг шеърий қонуниятлардан аста-секин озод бўлиши номаларнинг муваққат тузилишига сезиларли таъсир кўрсатди. Улар куйчан-қўшиқ жанрларига яқин структураларга эга бўла бошладилар. Бу жараён номаларнинг метроритмик томонига ҳам таъсир кўрсатди.

Ритм тузилишининг ҳам архаик, ҳам кейинчалик пайдо бўлган лирик шакллари ўзаро чирмашиб кетган лирик номалар ритм-формулар (РФ)ини уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ўрганиш давомида уларнинг учта тури ажратиб олинди:

- 1) бошланғич РФ – силлабик тамойилга асосланган ва бўғин-ритм меъёрлари билан белгиланган;
- 2) кенгайтирилган РФ – РСни кенгайтирувчи ва бойитувчи ички бўғинли ҳангларга асосланган;
- 3) универсал РФ – РСда жойлашувидан қатъий назар, ягона ритмик гуруҳга таянувчи.

Бошланғич РФ қахрамонлик дostonларига хос бўлган параметрлар билан тавсифланади: силлабик ривожланиш тамойили доирасидаги аниқ уюшган *экспозицион ритм-формула* (ЭРФ) ва *каденцион ритм-формула* (КРФ).

РФнинг кенгайтирилган тоифаси РС ривожланиши ва унинг турли хил метроритмик ҳамда лад-оҳанг конструкциялари билан бойитилишининг натижаси сифатида ҳосил бўлади. Унинг асосий фарқли аломати ЭРФ ва КРФнинг бирмунча ёрқин ифодасидир.

